

КУРС ИШИНИ ЁЗИШ ТАРТИБИ

Аслонова Санобар

Бухоро вилояти педагогларни янги методикаларга ургатиш миллий маркази
“Мақтабгача бошлангич ва махсус таълим методикалари”
кафедраси уқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Олий ва урта махсус касб-хунар таълими мутахассисликларида таҳсил олаётган илмий-тадқиқотишларини иолиб шакллантиришда курс ишининг аҳамияти хақидаги билимлар баён этилган

Калит сузлар: Меъёрий хужжатлар, давлат стандартлари, мавзу махсус адабиётлар, титул вараги, мундарижа.

Академия таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларида таҳсил олаётган илмий-тадқиқотишларини иолиб шакллантиришда курс ишининг аҳамияти каттадир. Курс ишини бажариш жараёнида талабава магистр эгаллаган назарий билимлари ва мавжуд меъёрий хужжатлар, маълумотномаларва замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиб амалий масалаларни мустақилравишда ечиш ҳамда ўз ғоя ва ечимларини жамоада ҳимоя қилиш кўникмасини эгаллайди.

Курс ишини бажаришдан мақсад - ўқув режасида кўзда тутилган муайян фан бўйичамаъруза ва амалий машғулотларда олган назарий ва амалий билимларини мустақкамлаш, чуқурлаштириш, умумлаштириш ва ушбу билимларни аниқ ижодий ва амалий масалаларни Курс ишини бажариш орқали талаба ва магистр мураккаброқ назарий ва амалий масалаларни, масалан, битирув-малакавий ишини бажаришга тайёрланади. Шу билан биргакурс иши талаба ва магистрда давлат стандартлари, соҳа меъёрлари, маълумотномалар, йўриқномаларвамуқаддамфойдаланиш кўникмасини шакллантиради. Шунингдек, курс иши талаба ва магистрларда масалалар чизмаларини ҳисоботларини расмийлаштириш кўникмаларини ҳосил қилиши лозим.

Курс иши - бу ўқув режасига киритилган, бирор аниқ мавзу бўйича талаба ва магистртомонидан тайёрланадиган, илмий-тадқиқот элементларини ўз ичига олган ёзма иш. Курсишларини бажариш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган “Давлат таълим стандартлари” да кўзда тутилган. Уни ёзиш талаба ва магистрларнинг фанбўйича олган билимларини чуқурлаштириш ва мустақкамлашга, мустақил равишда илмий-тадқиқот

ишларини олиб бориш кўникмасини эгаллашга, бажарган илмий иши натижаларини ижодий яқунлашни ўрганишга ёрдам беради.

Курс иши – ҳар бир коллеж ва олий таълим муассасаларида ўқув режасига киритилган, бирор аниқ мавзу бўйича талабалар ва магистрлар томонидан тайёрланадиган, илмий-тадқиқот элементларини ўз ичига олган ёзма иш. Курс ишларини бажариш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган “Давлат таълим стандартлари” да кўзда тутилган. Уни ёзиш талаба ва магистрларнинг фан бўйича олган билимларини чуқурлаштириш ва мустаҳкамлашга, мустақил равишда илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш кўникмасини эгаллашга, бажарган илмий иши натижаларини ижодий яқунлашни ўрганишга ёрдам бериши мавзунинг долзарблик хусусиятига далолат беради.

Курс ишининг мавзулари мазкур фаннинг ўқув вазифасига жавоб бериши билан бирқаторда илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг долзарб муаммолари билан боғлиқ бўлиши лозим.

Курс иши мавзулари рўйхати кафедра томонидан тасдиқланади. Талаба ва магистр мавзуни танлаш ҳуқуқи берилади. Талаба ва магистрга, илмий раҳбари билан келишган ҳолда, курс иши мавзулари рўйхатида бўлмаган, лекин ўрганилаётган фанга бевосита алоқаси бўлган мавзу бўйича ҳам курс иши ёзишга рухсат этилади.

Курс ишини бир неча талаба ва магистрнинг битта мавзудан ёзишларига рухсат этилмайди. Бундан истисно ҳолда, илмий раҳбарнинг рухсати билан бир мавзунинг турли жиҳатларини ёритиб берадиган ҳолатларда бир неча талаба ва магистрнинг бир мавзуда курсиши ёзишга рухсат берилади. Албатта, бундай танланган мавзулар тегишли кафедра дорўйхатдан ўтказилиши шарт. Талаба ва магистрнинг илмий раҳбари бўлиб у ўқийдиган гуруҳда дарс олиб борадиган ўқитувчи ҳисобланади. Талаба ва магистр курс ишининг режасини, фойдаланадиганадабиётлар рўйхатини, мавзу бўйича йиғиладиган материалларни йиғиш усуллари, уларни қайта ишлашни ва барча маълумотларни текширтириш муддатларини илмий раҳбари билан мувофиқлаштириши керак.

Курс ишининг мазмунини очиб беришга қаратилган талаблар

Курсишининг асосий қисмларини тартиблаштириш мақсадида иш режасини бажарилиш муддатларини кўрсатиб тузиш мақсадга мувофиқдир. Курс ишининг иш режасига қуйидаги босқичларни киритиш мумкин:

- 1) мавзуни танлаш;
- 2) махсус адабиётларни ўрганиш;
- 3) курс иши режасини тузиш;
- 4) илмий раҳбардан маслаҳат олиш;
- 5) ишнинг амалий татбиқини ўрганиш;

- б) ишнингбиринчи (қоралама) вариантини ёзиш;
- 7) ишни илмий раҳбарга кўрсатиш ва унингмаслаҳатларини олиш;
- 8) кўрсатилган камчиликларни тузатиш, ишни таҳрир қилиш вакафедрага курс ишининг тайёр вариантини тақдим этиш;
- 9) маърузани тайёрлаш ва ишниҳимоя қилиш.

Курс иши қуйидаги таркибдан иборат бўлади:

- а) титул варағи;
- б) мундарижа (режа);
- в) кириш;
- г) асосий қисм (3-4 параграфдан иборат бўлиши мумкин);
- д) хулосалар;
- е) фойдаланилган адабиётлар рўйхати;
- ж) иловалар (зарурат бўлса).

Курс ишининг ҳажми А4 (297x210 мм) форматдаги қоғозга компьютерда терилган

20-25 бетдан иборат бўлади. Бетлар сонига иловалар киритилмайди. Қоғозга матн

1,5 интервалда, ҳарфлар ўлчами 14, Times New Romanнинг ўзбекча вариантыда қоғозчетларида чапдан 30 мм, тепадан 20 мм, пастдан 20 мм ва ўнгдан 15 мм жой қолдириб терилади.

Курс ишини тайёрлаш жараёнида фойдаланилган барча адабий манбаларга иктибос

(ссылка) қилиниши шарт.

Курс ишлари мавзулари ўқув йили бошида талаба ва магистрларга тақсимланиб, илмий раҳбарлар тайинланади ва кафедра йиғилишида тасдиқланади.

Курс ишининг алоҳида бандларига қўйиладиган талаблар Режа (Мундарижа)да курс ишининг барча бандлари, яъни кириш, асосий қисм, боб ва параграфлар, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати бет рақамлари билан биргаликда келтирилади.

Кириш қисмининг ҳажми 3-4 бетни ташкил қилади. Унда танлаб олинган мавзунингдолзарблиги асосланади, изланишнинг мақсади, вазифалари, назарий ва методологик асослари ёритиб берилади.

Асосий қисм фақат параграфлар ёки боблар шаклида таснифланиши мумкин. Бу қисм курс ишининг умумий ҳажмининг тахминан 75-80 %ини ташкил қилиши керак. Асосий қисмда мавзунинг асосий назарий ва методик масалалари кўриб чиқилади, статистик маълумотларнинг мазмуни таҳлилий натижалар асосида очиқ берилади, ўрганилаётган жараёнларнинг ривожланиш

йўналишлари ва қонуниятлари аниқланади, уларга таъсир қилувчи омиллар кўрсатилади ҳамда ўрганилаётган жараёнларни такомиллаштиришга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилади.

Курс ишининг хулоса ва таклифлар қисми 3-4 бет атрофида бўлиб, унда талаба ва магистр илмий тадқиқотнинг хулоса ва таклифларини келтиради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхатида: Курс иши ёзиш давомида фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхати белгиланган тартибда келтирилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати: (REFERENCES)

1. Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси.

З.Б.ЖАЛИЛОВ, Г.Қ.ҲАСАНОВА

2. “Педагогик касбий компетентлиги ва креативлик” С.Б.Санаева – Навоий давлат педагогика институти

3. Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси. Фан дастури. Тошкент-2018
Х.С.Жуманиёзов, М.А.Собирова